

## Маккада тушган, 22 оятдан иборат

«Буруж» «осмондаги буржлар» маъносини англатади. «Бурж» сўзи юлдузларнинг манзиллари маъносидадир. Сура бошидан-охиригача иймон-эътикод мавзуини ёритувчи сура бўлиб, унда аввал узок ўтмишда мўминларни фақат Аллох таолога иймон келтирганлари учун азоблаб ўлдирган бир тўда золим кимсалар халокатга дучор килинганлари хақида хабар берилади ва барча замонлардаги ахли иймонни фитнага солиб, уларга зулм киладиган кимсалар дўзах азобига гирифтор бўлишлари таъкидланади. Сура Аллох таолонинг буюклигини, сифатларини, Ўз душманларидан ўч олишда кудрати улуглигини кўрсатиш, тугёнкор, золим Фиръавн киссасини келтириш билан якунланади.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Бисмиллахи рохманир рохийм

Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан бошлайман.

### 1. Буржли осмонга касам;

Олдинги сураларда айтиб ўтилганидек, Аллох таоло Ўзи хоҳлаган ва хузурида эътиборли бўлган нарсаларга касам, дейди. «Буруж» (буржлар) ҳам ана шундай эътиборли нарсалардандир. «Бурж» лугатда кўргон, баланд каср, само жисмлари манзили маъноларини билдиради. Масалан, Аллохнинг иродаси билан Куёш бир

бурждан иккинчисига бир ой мобайнида етади ва барча буржларни бир йил давомида айланиб чиқади. Ой эса хар буржга эллик олти соат ичида етади ва барча буржларни йигирма саккиз кунда айланиб чиқади, икки кун кўринмайди. Фан олимлари айтишича, Куёш буржларининг олтитаси Ер курраси белбогидан (экватордан) шимолда, колган олтитаси эса жанубда жойлашган. Шимолдагилари хамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, жанубдагилари эса мезон, акраб, кавс, жадий, далв, хутдир. Куёш бу буржларни тўрт фасл ичида айланиб чиқади. Буржлар хакида бошка сураларда хам маълумот берилган, ўрни келганида, иншааллох, яна батафсил баён киламиз.

## **2. ва ваъда килинган Кунга касам;**

Ваъда килинган, келиши, албатта, мукаррар бўлган кун киёматдир. Бу кун инсонларнинг Ер юзидаги хаётига хотима кўювчи, дунёдаги килган амалларига мукофот ёки жазо берилувчи, барча инсонлар хисобга тортилувчи улуг кун бўлгани учун Аллох таоло ана шу ваъда килинган кунга касам, демоқда.

## **3. гувоҳга ва гувоҳ бўлинганларга касам.**

Ояти каримадаги «шоҳид» ва «машхуд» сўзларини олимлар турлича тафсир килишган. Аксари уламолар «шоҳид» жума кунини, «машхуд» эса арафа кунини билдиради, дейишган. Бу фикрларини исботлаш учун Пайгамбаримизнинг (алайхиссалом) ушбу хадисларини келтиришади: Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят килинади: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Явмил-мавъуд киёмат кунидир, ал-машхуд арафа кунидир, аш-шоҳид жума кунидир», деганлар». Баъзи муфассирлар эса «*Вал-яв мил мавъуд, ва шоҳидив ва машхуд*» оятларини «Киёмат кунига ва у кунга гувоҳ бўлган, хисоб учун хозир бўлган кишиларга ва гувоҳлик бериладиган кунга касам» деб хам тафсир килишади.

## **4. «Хандак эгалари» халок бўлсин!**

Ушбу ояти карима юкоридаги касамнинг жавоби, яъни чох, хандак эгалари халок бўлсин, уларга лаънатлар бўлсин. Улар кабирх ишлари билан Аллохнинг раҳматидан узилишди, Парвардигорнинг газабига учрашди. Бунга уларнинг кибрлари, хасад ва манманликлари, зулм ва зўравонликлари сабаб бўлди. Худолик даъво килган жохил

подшоҳ ва унинг аъёнлари мўминларни ўз динларидан қайтишга мажбурлашди. Сўзлари ўтмагач, ёвуз ниятларини амалга ошириш учун узун ва чуқур чоҳ, хандак казиб, унинг ичига олов ёқишди ва мўминларни бирма-бир чоҳга улоқтиришди.

«Хандак эгалари» кассаси кўпгина муфассирлар томонидан кенг ва атрофлича баён этилган. Яман мулкига Зу Нувос деган киши подшоҳ қилиб сайланган эди. Унинг атрофига Химяр ва Яманнинг бошқа қабилалари ҳам бирлашишди. У Химяр подшоҳларининг охиргиси бўлиб, «Хандак» эгаси ҳам шунинг ўзидир. Уни Юсуф деб аташарди, унинг подшоҳлиги узок давом этди. Ибн Хишомнинг «Сийрат» китобида зикр қилинишича, «Шундан сўнг Нажронга Зу Нувос ўз аскарлари билан бостириб қелиб, нажронийларни ўз дини бўлмиш яҳудийликка даъват қилди, агар ушбу динга киришмаса, қатл этажагини билдирди. Нажронликлар унинг динидан кўра ўлимни афзал қўришди. Шундан сўнг улар учун ухдуд (хандак, яъни қатта чуқур) қавлатиб, унинг ичини ўт ёқиб қиздирди. Тутқунларни қилич билан қулак-бурунларини кестириб, йигирма мингга яқинини ўлдириб юборди. Шунда Зу Нувос ва унинг аскарлари тўғрисида Аллоҳ Ўз Расули, саййидимиз Мухаммадга (соллаллоху алайхи васаллам) ушбу оятларни нозил қилди» («Сийрат», 43-48-бетлар).

## **5. У ёқилгиси кўп олов эди.**

«Хандак эгалари» кассаси Имом Муслим ўз «Саҳих»ида, Имом Аҳмад ва Насоийлар Расулуллоҳдан (соллаллоху алайхи васаллам) ривоят қилган саҳих ҳадисда қуйидагича қелтирилган: «Зуръа ибн Туббон Асъад Химярий исмли қокилли яҳудий қофир подшоҳлардан эди. Унга қўл остидаги айрим қишиларнинг насроний динига иймон қелтирганлари хабари етиб қелади. У насронийликни қабул қилганлар устига Химярдан аскар юборади. Аскарлар уларни тутиб олиб, ё яҳудийликка қайтиш ёқи оловда қуйишни танлаш ихтиёрини беришади. Шунда барчалари қатл бўлиш йўлини танлашди. Аскарлар уларга чуқур (хандак) қавлаб, ичига ўт ёқишди. Кейин яна янги динга иймон қелтирганларга қарата: «Сизлардан қим динидан қайтса, уни тинч қўямиз, қайтмаганларни эса ўтга улоқтирамиз», дейишди. Аммо иймонли қишилар сўзларидан қайтишмади. Шунда аскарлар уларни бирма-бир оловга отишди. Барчалари ўтда қуйиб қетишди».

## **6. Улар ўшанинг устида ўтиришарди;**

## **7. мўминларнинг азобланишига гувоҳ бўлиб.**

Подшоҳ ва унинг аъёнлари ўтда азобланиб қуяётган насронийларни томоша қилиб устларида туришарди. Ўз эътиқоди учун золим подшоҳ кўлида халок бўлганлар сони бир ривоятда йигирма минг эди, дейилса, бошқа бир ривоятда ўн икки минг, деб келган. Калбий (рахматуллоҳи алайх): «Улар етмиш минг бўлган эди», дейди.

## 8. Азиз ва Хамид Аллоҳга иймонлари учунгина улардан ўч олишарди.

Чуқурга ташланиб ўтда ёндирилганлар Аллоҳ таолога бўлган иймонлари, У юборган пайгамбарга эргашганлари, янги динни қабул қилганлари учун ана шу каттик имтиҳонга учрашди. Иймонларини ширин жонларидан ҳам устун қўйишди. Аллоҳ таолога бўлган иймон қаршисида ҳар қандай азоб-қийноқлар арзимас нарса эканини ибрат ўларок исботлашди. Шу ўринда хандак эгалари ҳақидаги Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисни келтирамиз: «Айрим подшоҳларнинг хос сеҳргарлари бўларди. Ушбу подшоҳнинг сеҳргари қариб қолганида хунарини ўргатиши учун унга бир болани қўшиб қўйди. Ўша бола сеҳргарникига қатнайдиغان йўл устида инсонларга панд-насихатлар қиладиган бир роҳиб бор эди. Бола қалби роҳиб сўзларига мойил бўлди. Бир куни йўлда одамларни тўсиб турган бир илонни кўрди. Қўлига қаттагина тош олиб: «Эй Аллоҳим, агар Сенга сеҳргардан кўра роҳиб сеvimлироқ бўлса, илонни мана шу тош ўлдирсин», деди. Аллоҳ изни билан тош илонни тегиб ўлдирди. Шундан кейин бола тугма кўрни ва моҳовни даволайдиган, қасалларни тузата оладиган даражага етгунича роҳибдан таълим олди. Ўша подшоҳнинг маслаҳатчиларидан бири кўр эди. Бола уни даволаб-тузатди. Подшоҳ унинг тузалганини кўриб: «Кўзингни қим қайтариб берди?» деб сўради. У киши: «Парвардигорим», деб жавоб қилди. Бу гапдан подшоҳ газабланиб, маслаҳатчини қийноққа солди. Подшоҳ бу ишни қим қилганини суриштиравергач, у болани кўрсатди. Подшоҳ болани келтириб, каттик қийнаганида буни роҳиб қилганини айтди. Роҳибни динидан қайтариш учун қанчалик уринишмасин, у асло иймонидан кечмади. Шунда подшоҳнинг амри билан роҳибни арралаб, бўлақлаб ташлашди. Болани эса чўққидан ташлаб халок этиш тоғ устига олиб чиқишди. Бола Парвардигорига дуо қилганида тоғ бир силқиниб, барчани халок этди, фақат боланинг ўзи омон қолди. Буни кўрган подшоҳ аъёнлари уни очик денгизда чўқтирмоқчи бўлиб, қичик бир кемага олиб чиқишди. Денгиз ўртасига етганда бола дуо қилган эди, кема ағдарилиб, барча халок бўлди, болагина қутулиб қолди. Шунда бола подшоҳга бундай маслаҳат берди: «Одамларни бир жойга тўплаб, мени дарахт шохига осасан, ўқдонимдан бир ўк олиб: «Боланинг Парвардигори Аллоҳ номи билан бошлайман», деб менига қарата отасан, шундагина мени ўлдиришинг мумкин». Подшоҳ у айтганидай қилиб отганида ўк бола кўксига тегиб, у қўлини ўша ерга қўйганича жон берди. Шунда одамлар «Боланинг Парвардигорига иймон келтирдик», дейишди. Аъёнлардан бири: «Подшоҳим, кўрккан нарсангиз бошингизга қелди», деди. Подшоҳ йўл четига чуқур хандак қавлатди, унга ўт ёқишни буюрди. Қим динидан қайтмаса, уни чуқурга ташлашарди. Ёш болали бир аёлга навбат қелганида у чоҳга

тушишдан бош тортди. Шунда гўдаги: «Эй онажон, сабр килинг, албатта, сиз ҳақ узрасиз. У чоҳ бир коронгулик, бошка ҳеч нарса эмас», деди. Аёл ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини чуқурга отди».

### **9. Осмонлару Ернинг ҳукмронлиги фақат Ўзига хосдир, Аллоҳ ҳамма нарсага гувоҳдир.**

Бутун осмонлару Ернинг, коинот ва борликнинг ҳукмронлиги фақат Аллоҳ таолога хосдир. Ҳамма нарса: борликдаги жараён ва ўзгаришлар, жамиятлардаги воқеа-ҳодисалар, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг бари Аллоҳ таолонинг измида, ихтиёрида. Унинг иродасисиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Аммо барча замон ва маконларда давлатига, сарватига, мансабига, насл-насабига гурурланиб, кибрга кетувчи, инсонларни Аллоҳ таолонинг амр-фармонларини бажаришдан тўсувчи, ўзини ягона ва мутлоқ Ҳукмдорга тенглашга уринувчи золим ва гумроҳ ҳукмдорлар бўлган. Улар ўз нафслари, шайтоний орзулари йўлида иймонли кишиларни таъкиб қилади, уларни жисман маҳв этишга уринади, бундайларни таг-томири билан йўқ қилиш пайдан бўлади. Улар билишмайдики, Аллоҳнинг Ҳақ йўлидан инсонларни четга буриш мушкул иш, Унинг хидоят нурини тўсиш қийин, У белгилаган такдирни ўзгартириб бўлмайди. Агар куфр ва ширк эгалари озгина ақл ишлатганида Буюк Парвардигорга иймон келтиришни жиноят санармиди?! Нахот, улар ожиз ақллари салгина ишлатиб, агар Аллоҳ таоло хоҳлаганида ёққан ўтларини ўчириб, мўминларни жазолашни тўхтатиб қўйиши жуда осон эканини англаб этишган бўларди. Ваҳоланки, Аллоҳ таолонинг зулм ва ҳақсизликларга гувоҳ бўлган холда бунга биров муҳлат бериб қўйиши кофирларнинг куфрини, мўминларнинг иймонини ўзига хос имтиҳон қилишдир. Аллоҳ ҳузурида эътиборлиси ишларнинг оқибатидир. Аллоҳ таоло келажакда мўминларга чеккан азоб-қийноқларига яраша Ўз фазли-қарами билан савоб беради, куфр эгаларини эса зулми ва исёнига яраша жазолайди. Чунки Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳар бир қилган ишига гувоҳдир.

### **10. Мўминлару мўминаларни қийнаб, кейин тавба қилмаганларга дўзах азоби бордир ва уларга ўт азоби бордир!**

Барча замон ва маконларда ҳам мўмин ва мўминаларга осон бўлмаган, улар ҳамиша куфр эгалари зулми ва қийнашларига дуч келишган. Фиръавн Бани Исроилни қандоқ қийноқларга солганини бир эсланг. Золим ҳукмдор Дакёнус «Гор эгалари»ни (Асхоби қаҳф) қандай азоблаганини хотирланг. Химяр подшохи «ҳандак эгалари»ни ўтга ёқиб қийнаганини ўқиб турибсиз. Ислоннинг илк даврида Макка мушриклари зулми ва ҳўрлашлари остида қолган оз сонли мусулмонлар тарихини бир ёдга олинг. Инсоният

тарихида бундай ходисалар хамиша бўлган ва бўлаверади. Золимлар килган зулм-истибодлари учун, албатта, жазоланишади. Мўминлар эса иймонларида катъий ва собит турганлари учун Аллох таолонинг мукофотиغا сазовор бўлишади.

**11. Иймон келтирган ва яхшилик килганларга остидан анхорлар окиб турувчи жаннатлар бор ва бу улкан ютукдир.**

Аллох таоло ва Унинг Пайгамбарига иймон келтирган, инсонларга яхшилик килганларни Парвардигорнинг буюк мукофотлари, яъни остидан анхорлар окиб турувчи, турли неъматлар ва инсон акли бовар килмайдиган рохат-фарогат маскани бўлмиш жаннатлар кутиб турибди. Булар инсон дунё хаётида эришиши мумкин бўлган жуда улкан ютуқлардир. Аммо охиратда бундан-да шарафли, бундан-да гўзал мукофот бор: иймонли ва солих кишилар Аллох таолонинг розилигини топишгани учун Унинг жамолини кўришга муяссар бўлишади.

**12. (Эй Мухаммад,) Парвардигорингиз азоби, хакикатан, каттикдир!**

Ояти каримадаги «батш» сўзи «каттиккўллик, шиддат билан олиш» маъноларини билдиради. Аллох таоло ўта кудратли, душманларига ўта мурасасиз бўлганидан азобини шиддат билан, кўз очиб-юмгунча юбориши мумкин. У Зот дунёда ҳам, охиратда ҳам куфр эгаларидан, золимлардан аёвсиз ўч олади. Эй Пайгамбарим, Макка мушрикларини оғохлантинг, куфр ва ширк эгаларига Парвардигорингизнинг каттик, аламли, куйдирувчи азоблари бор. Фиръавн, Намруд, Дакёнус, Зу Нувос каби тарихда ўтган канча-канча золимлар иймонлиларни ҳақ йўлдан кайтараман, деб овора бўлишмасин. Мўминларнинг улар кўлида азобланиши, золимларнинг чин иймон эгаларидан аёвсиз ўч олишлари ҳар икки томон учун Аллохнинг имтихонидир. Бу малъун кимсаларнинг бирортаси тавба кила олмай, иймон келтирмай кофирлигича ўлиб кетди. Бундай ўлим топишдан Парвардигорнинг Ўзи асрасин!

**13. Угина яратади ва кайта тирилтиради.**

Иймон эгаларини ҳам, куфр ва ширкка ботганларни ҳам Аллох таолонинг Ўзи яратган, киёмат куни уларни кайтадан фақат Ўзи тирилтиради, яъни охират дунёсига кайтаради. Бунда Унга ҳеч ким шерик бўлолмайди, Унинг иродасига ҳеч ким қарши бора

олмайди, Унинг жазосидан куткариб қолишга ҳеч ким қодир бўла олмади!

#### **14. У кечирувчи ва яхши қўрувчидир.**

Ушбу ояти қаримадан бошлаб Аллоҳ таоло Ўзининг улуг беш сифатини зикр қилиш билан мўминларга берган ваъдасини эслатмоқда: 1) кечирувчи; 2) яхши қўрувчи; 3) Арш эгаси; 4) жуда улуг; 5) ирода қилган нарсасини бажарувчи. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг мўмин бандалари билиб-билмай гуноҳ қилиб қўйса-ю, кейин Ўзига қайтиб гуноҳларига астойдил тавба қилса, У Зот, албатта, кечиради. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки Аллоҳ таоло иймонли бандаларини ниҳоятда яхши қўрувчи, ўта мағфиратли, кечирувчи Зотдир. Ҳамма гап банданинг гуноҳларига иқроқ бўлиб, Парвардигори ҳузурига бўйнини эгиб қелишида қолди. Аллоҳ таолонинг дўстлари чин итоатқорлардир, шунинг учун Парвардигор уларга тоати учун савобларни муқаммал қилиб беради.

#### **15. Арш Эгаси ниҳоятда улугдир.**

Ақийда қитобларида Арш барча махлуқотларнинг энг улқани деб тавсиф қилинади. Аллоҳ таолонинг ниҳоятда буюқлигини қарангки, У хатто ана шу улқан, микёси ақл бовар қилмас Аршнинг ҳам Эгасидир. Аллоҳ азза ва жалла барча мулк ва султонликлар соҳибидир, улуглик, олийлик, қибриёда етук, фазлу қарамда ўхшаши ва тенги йўқдир.

#### **16. Хохлаганини амалга оширувчидир.**

Аллоҳ азза ва жалла ирода этган нарсасини амалга ошира олувчи мутлоқ қудрат эгасидир. Қачон бирор нарсани қилишни истаса, Уни бундан қайтарувчи, ҳукмини тўхтатувчи бўлмайди. Унинг улуглиги, қахқорлиги, ҳақимлиги ва одиллиги сабабидан қилган нарсаси ҳақида сўралмайди. Агар У қуфр ва ширк эгаларини Ер юзидан йўқ қилиб юборишни ёки қолимлар қўлида азоб чекаётган мўминларга ёрдам бермоқчи бўлса, бундан Уни ҳеч бир қуч тўсолмайди.

#### **17. (Эй Муҳаммад,) сизга «қўшин»лар хабари қелдим,**

### 18. Фиръавн ва Самудга тегишли?

Эй суюкли Пайгамбарим, ўзларига юборилган пайгамбарларга карши жанг килиш учун улар устига кўшин тортиб борган, «сен пайгамбар эмассан», дея улар келтирган вахийларни инкор қилган, уларни ёлгончига чиқариб қуфрга ботган кофир кавмларнинг хабари сизга етиб келдимиз?! Ахир Аллох таоло олдинги китобларда ҳам, инсониятга юборилган охирги китоб Куръони Каримда ҳам уларнинг қиссасини муфассал баён этиб қўйган. Адолатли Парвардигорингиз Мусо алайҳиссалом кавми бошига зулм ва хўрликлар солиб, уларни ҳақ йўлдан қайтармоқчи бўлган фиръавн лашкарларини денгизга гарк қилмадимиз? Пайгамбарлари Солих алайҳиссалом туясини забҳ қилган (сўйган) Самуд кавминини исёни ва қуфри учун қаттиқ қичкирик билан ҳалок этмадимиз? Улар яшаган шаҳарларини бир лаҳзада вайронага айлантормадимиз? Иброҳим алайҳиссаломни иймони учунгина гулханга отган золим Намрудни қичик бир чивин ёрдамида ҳалок қилмадимиз? Худди шу каби мусулмонлар бошига чидаб бўлмас кўргилик-азоблар солаётган Макка мушриклари ҳам Аллох таолонинг улуг интиқомидан огоҳ бўлишсин!

### 19. Балки кофирлар ёлгонга чиқаришар?

Шунча ибратли қиссаларни ўқиб-билиб туриб ҳам, шунча огохлантиришларга қарамай, қалби кўр, ўзлари сўқир қуфр эгалари сиз келтирган хабарларни ёлгонга чиқаришяптими? Бундай бўлиши табиий. Чунки қалбини қуфр ва ширк могорлари ўраб ташлаган бундай қимсалар ҳидоят йўлини кўришмайди, ҳақни тан олишмайди. Кибр ва исёнлари туфайли иймон ҳақиқатидан юз ўгиришади.

### 20. Ва Аллох ҳамма томондан ўраб қўйган.

Чунки Аллох таоло уларни ҳамма томондан ўраб, гафлатда қолдирган. Уларнинг кўзлари иймон нурларини кўришга қодир эмас, қалблари иймон ҳаловатидан лаззатланишга мойил эмас, вужудлари Аллохга тоатда бўлишга собит эмас. Улар ана шундай бадбахт қимсалардир. Уларнинг оқибати ниҳоятда аянчли, кўркинчлидир.

## 21. Ва бу Куръони мажиддир:

Улар ёлгонга чиқараётган, оятларини инкор этаётган бу Куръони Карим улар ўйлаганидек шеър ҳам, фолбинлар алжираши ҳам, сеҳргарлик сўзлари ҳам эмас. Балки у шараф ва даражада энг олий бўлган илохий Каломдир, Куръони мажиддир.

## 22. Лавхул Махфузда битилган.

Куръони Карим Аллох таоло хузуридаги Лавхул Махфузда битилган, шайтонлар етишидан химояланган китобдир. Абдуллох ибн Аббос (розияллоху анху) айтадилар: «Лавхул-Махфузда Аллох таоло ёзган нарсаларнинг энг биринчиси ушбулардир: «Албатта, Мен – Аллохман! Мендан бошка илох йўк. Мухаммад Менинг Расулимдир (элчимдир). Ким Менинг ҳукмимга таслим бўлса, имтихонимга сабр килса, неъматларимга шукр этса, уни «сиддик» деб ёзаман ва сиддиклар билан бирга қайта тирилтираман. Ким Менинг ҳукмимга таслим бўлмаса, имтихонларимга сабр этмаса ва неъматларимга шукр килмаса, Менда бошқани илох қилиб олаверсин!»